

Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмоновнинг Ўзбекистон
Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб
вилоятда ўтказилган катта байрам тантанаси қатнашчиларига
Т А Б Р И К С Ў З И

Ассалому алайкум, азиз юрtdошлар,

Ҳурматли меҳмонлар,

Бугун Ўзбек халқи учун, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, шу муқаддас заминни ўзининг она юрти, киндик қони тўкилган гўша деб билган ҳар бир миллат ва элат учун катта шодиёна!

Сизу биз жаннатмакон Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлаш бахтига муяссар бўлиб турибмиз.

Шу муносабат билан Сиз - азизларни, Сизлар орқали вилоятимизнинг барча аҳолисини, авваламбор қадрли отахон ва онахонларимизни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган меҳнаткаш ва фидокор ҳамюртларимизни, эртанги кунимизнинг ишончли эгалари бўлмиш ёшларимизни энг улуғ, энг азиз байрам билан чин қалбимдан қизгин табриклашга ва муборақбод этишга ижозат бергайсизлар!

Азизлар!

“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним” шиорини қалбига жо этган халқимиз, шу жумладан вилоятимиз аҳли озод ва обод юртимизнинг йигирма уч йиллик тўйини катта шодиёна билан кутиб олдилар.

Бугун фахр билан таърифлашимиз жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, шу мўътабар заминда яшаётган барча халқлар озодлик ва ҳурликда, тинчлик ва осойишталикда яшаш бахтига муяссар бўлиб, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват неъматларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб олиб борилаётган доно сиёсат, кенг кўламли ислоҳатлар туфайли ҳар бир соҳада йилдан-йилга юксак натижалар қўлга киритилиб, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, ҳаётини янада фаровон қилиш учун мустаҳкам асос яратилмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимиз тарихан қисқа фурсат ичида дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаб бораётганини бутун жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз ишлаб чиқаришида, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар давлат мукофотларига сазовор бўладилар. Бу йил ҳам 20 дан ортиқ ҳамюртларимиз давлат мукофотларига лойиқ, деб топилдилар.

Шуниси фахрланарлики, мамлакатимизда уч киши Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган бўлса, улардан бири Андижондан. Бу Муҳтарам Президентимизнинг андижонликларга алоҳида меҳрини, ҳурмат ва эътиборини кўрсатади. Бундай юксак муносабатга биз андижонликлар лаббай деб жавоб бериб, барча соҳаларда намуна ва ўрнатилган бўлишимиз шарт.

Куни кеча мукофотланган ҳамюртларимизнинг кўпчилиги бугунги тантанада иштирок этяптилар. Барча мукофотланганларни ва Ўзбекистон Қаҳрамони Шукуржон ака Маматқуловни гулдирос қарсақлар билан олқишлаймиз.

Мустақиллик йилларида ҳар соҳада салоҳияти юксак, бетакрор юртимиз Андижонда ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Андижон кўпгина соҳаларда бугун ўзбек халқининг ибрати, ислоҳотлар ҳаракатининг намунаси сифатида кўзга ташланиб, тан олинмоқда.

Юртимизни дунёга танитган машинасозлик саноати корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётига таянч бўлди. Бу улкан ишлаб чиқариш маскани кўплаб бошқа қўшма корхоналар бунёд этилишига олиб келди.

Ўтган даврда вилоятда қатор ишлаб чиқариш иншоотлари, бир-биридан муҳташам коллеж ва мактаблар, спорт ва санъат даргоҳлари, турар жой, маданий-маиший бинолар барпо этилди. Кенг ва равон йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятимиз меҳнат аҳлининг самарали фаолияти эвазига кейинги даврда йилига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10 фоиздан ортиқроққа, саноат кўлами 16 фоизга, қишлоқ хўжалигида ўсиш яқин 8 фоизга, қурилиш ишлари 22 фоизга ортаётгани фикримизнинг далилидир.

Ўзларингизга маълумки, 2009-2013 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 134 та массивда 3992 та янги уй-жойлар барпо этилди. Бу йил эса яна 31 та мавзеда 977 та намунавий уй-жойлар қуриляпти.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига қурувчиларимиз илгари сира эришилмаган катта муваффақиятлар билан келдилар. Ҳар йили кеч куз ва ҳатто қишга бориб битадиган бу уйларнинг ҳовли тўйлари бу йил Мустақиллик байрамининг шодиёналарига уланиб кетди.

Ва демак, қишлоқ аҳолиси учун шаҳардагидан қолишмайдиган қулай шарт-шароитлар яратилиб, давлатимиз раҳбарининг энг эзгу орзулари рўёбга чиқмоқда.

Истиқлол туфайли вилоятимиз маркази - Андижон шаҳри ҳамда барча шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ҳавас қилса арзийдиган даражада тубдан ўзгармоқда.

Бугун Сизларнинг ҳузурингизда туриб алоҳида таъкидламоқ жоизки, Андижон шаҳридаги 20 дан ортиқ кўчалар ва улардаги бинолар ҳар томонлама замонавий андозалар асосида қайта қурилиб, мустақил Ўзбекистонимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Байрам арафасида вилоятимизда 100 дан зиёд ижтимоий, маданий-маиший, спорт, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа иншоотлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантириш йўлида бир тан, бир жон бўлиб ишлашимиз ўзининг кутилган натижасини беряпти. Пиллакорларимиз ва ғаллакорларимиз йил учун олган мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Бугун Андижон деҳқонлари, чорвадорлари, сабзавоткор ва соҳибкорларининг эл дастурхонини қут-баракали қилиш йўлидаги ғайрати ва ибратига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Юртимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ўзларининг фидокорона меҳнати, ютуқлари билан безаётган барча-барчага миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли байрам қатнашчилари,

Бизнинг барча шоду ҳуррамликларимиз, тўй-томошаларимиз, турмуш фаровонликларимизнинг асоси, албатта, иқтисодиётга боғлиқ. Шу маънода деҳқонларимизнинг ғайрат шижоати, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси тўғрисида ифтиҳор билан гапиришимизга тўла асос бор.

Бу йил галлакорларимиз ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари эвазига Муҳтарам Юртбошимизнинг табригига сазовор бўлиб, ўзларининг нималарга қодир эканликларини яна бир бор амалда исботладилар. Шукурки, тажрибали фермерлар, мутахассисларнинг кўп йиллик кузатувларига кўра далаларимизда пахтадан мўл ҳосил яратилди.

Ишонаманки, фидокор пахтакорларимиз бу синовдан ҳам ёруғ юз билан ўтиб, Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимизнинг юксак ишончини шараф билан оқлайдилар.

Яшириб нима қилдим, пахта бизнинг миллий бойлигимиз, юз-кўзимиз, ифтиҳоримиздир. Худо хоҳласа истиқлол шодиёналаридан сўнг лафзи ҳалол, ориятли халқимиз бутун диққат эътиборини ор-номус майдони ҳисобланмиш пахта теримиغا киришадилар.

“Соғлом бола йили”да мактаб ва коллеж ўқувчиларини пахта йиғим-теримига мутлақо жалб этмай, мавсумни муваффақиятли яқунлашга азму қарор қилганмиз. Чунки, Юртбошимиз қайта-қайта уқдирганидек, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”. Бу гоё бугун ҳар бир андижонликнинг қалбига сингиб, виждон амрига айланганлиги бизни бениҳоят севинтиради.

Айниқса, вилоятда қўлга киритилаётган ютуқларга мўътабар онахонларимиз, опа-сингилларимизнинг қўшаётган катта ҳиссаларини фахр билан таъкидлайман.

Ёшларимизнинг Сиздек улуғ инсонларга эргашиши, меҳнатсевар, ишбилармон, ишчан, билимдон, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари йўлидаги ҳаракатлари бу Сизларнинг самарали меҳнатларингиз натижаси, албатта.

Шу билан бирга, **азизлар**, таҳликали ҳозирги даврда бир қатор мамлакатларда қирғин барот урушлар, ўзаро қон тўкишлар бир неча йиллардан буён давом этяпти. Тинчлигидан уй-жойи, яқинлари ва юртидан жудо бўлиб, ўзга мамлакатларда сарсон-саргардон юрганларни телевизор орқали кўриб турибсиз. Тинчлик улуг ва бебаҳо неъмат эканлигини чуқури англаб, шукрона келтириб, Сизу-бизга осойишта ҳаётни, юрт мустақиллигини, фаровон турмушни бахшида этган Юртбошимизга раҳматлар айтиб, соғлик омонлик, узоқ умр тилаймиз.

Барча бунёдкорлик ишлари, шодиёналар, тўкин-сочин дастурхонимиз, фаровон турмушимиз, фарзандлар камоли тинчлик ва осойишталикнинг меваси десак, асло янглишмаймиз.

Андижонимизда Мустақиллик байрами олдидан бошланган шодиёналар шаҳар ва туманларимизда ўтказилган гуллар байрами, тўй-тантаналар Сизу бизнинг ҳушёрлигимиз, тантилигимиз, фидокорлигимиз ватанпарварлигимиз натижасидир.

Ҳурматли ҳамюртлар!

Шуни ишонч билан айтаманки, вилоятимиз аҳли мамлакатимизнинг гуллаб - яшнаши, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган улуғвор ишларни амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Бахтимизга Юртбошимиз доимо соғ-омон, истиқлолимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Яна бир бор байрам муборак, азиз юртдошлар.

Эътиборингиз учун раҳмат!